I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 3379,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 101,6 фоизга тенг бўлди.

2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 120,0 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		*2018 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида*
	2018 йил	*2019 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**2771,5**	**3379,2**	**101,6**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2513,6	3019,0	101,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	257,9	360,2	101,1
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**2513,6**	**3019,0**	**101,7**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	313,8	396,5	102,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1230,5	1359,8	98,1
саноат	1047,9	1106,3	95,7
қурилиш	182,6	253,5	111,7
Хизматлар	969,3	1262,7	106,0
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	166,2	196,2	105,4
ташиш ва сақлаш,ахборот ва алоқа хизматлари	196,7	226,3	108,6
бошқа хизматлар	606,4	840,2	105,3

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-март ҳолатига

(жамига нисбатан фоизда)



2019 йилнинг январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ўсиш суръати – 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 13,1 %), қурилиш – 111,7 % (8,4 %) ҳамда хизматлар тармоғи – 106,0 % (41,9 %). Саноат тармоғида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,3 фоизли пунктга камайиш кузатилиб, ўсиш суръати 95,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 36,6 %) ташкил қилди.

2019 йил январь-мартда ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 89,3 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 10,7 фоизини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,6 фоизли пунктга ошди ва ҳисобот даврида 13,1 фоизни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 4,0 фоизли пунктга камайди ва 45,0 фоизни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2019 йил январь-мартда 41,9 фоизни ташкил этди ва 2018 йил мос даври (38,5 %) билан таққосланганда 3,4 фоизли пунктга ошди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 6,5 фоизни (2018 й. – 6,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 7,5 фоизни, (7,8 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 27,9 фоизни (24,1 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймат таркиби
(жамига нисбатан фоизда):